



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2010 йил
13 февраль
ШАНБА
№ 12
(12.232)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

Ўзбекистон – Жанубий Корея:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Сеул, 11 февраль.
(ЎЗА махсус муҳбири
Анвар БОБОЕВ хабар қилади).

Ўзбекистон ва Жанубий Кореяни катта масофа ажратиб туради. Шунга қарамай, Ўзбекистон ва Кореяни мустақам дўстлик ришталари, халқларимизни тарихий маънавий яқинлик боғлаб туради. Бу яқинликнинг теран асослари бор. Иккинчи жаҳон уруши йилларида тақдир тақозоси билан Ўзбекистонга келиб қолган корейларга юртимизда қандай меҳр-муруват кўрсатилганини Корея аҳли мамнуният билан ёдда тутди. Бағрикенглик, саховат, тотувлик, меҳр-оқибат, меҳнатсеварлик ўзбек ва корей халқлари учун бирдек хос фазилатларидир. Маънавий яқинлик узаро ишонч ва ҳурматга асос бўлади.

Икки мамлакатнинг сиёсий муносабатлари ҳақида сўз кетганда, аввало, давлат раҳбарлари ўртасидаги самимий дўстликни таъкидлаш керак. Бу дўстлик Жанубий Корея Президенти Ли Мён Бак Сеул мэри бўлган йиллари бошланган. 2008 йилда Ли Мён Бак президент сайловида ғалаба қозониб, давлат раҳбари лавозимини эгаллагач, инаугурация маросимида олий фахрий меҳмон сифатида Ўзбекистон раҳбарини таклиф этди. 2009 йилнинг май ойида Ўзбекистон ва Жанубий Корея раҳбарлари Тошкентда учрашди.

Олий даражадаги учрашувларнинг мунтазамлиги муносабатларни ривожлантиришдаги фаолликдан далолат беради. Бундай учрашувлар ҳали томонлар ҳамкорликда ўзлаштирилган янги соҳаларни кашф этишга, янги қўша лойиҳалар ишлаб чиқишга йўл очди, янада манфаатли алоқалар истиқболини яқинлаштирди.

...Сеулда навбатдаги Ўзбекистон-Корея саммитига катта ҳозирлик кўрилган. Аэропортда, шаҳарнинг марказий кўчаларида икки давлат байроқлари ҳилпирайди, ўзбек ва корей тилларида ёзилган кўтлов сўзлари кўзга ташланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентини "Чонг Ва Да" қароргоҳида расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қорюул саф тортиди. Ислоҳ Каримов ва Ли Мён Бак шохсупага кўтарилдилар. Икки давлат махфиялари янгради. Президентлар фахрий қорюул сафи олди-дан ўтдилар.

Президентларнинг яқма-яқма суҳбатида Ислоҳ

Каримов ва Ли Мён Бак мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳоли ва истиқболга оид масалалар, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга мولىк муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Мамлакатимиз раҳбари ушбу саммит Жанубий Корея Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдорлигининг яна бир ёрқин далолати эканини, айни пайтда Тошкент ҳам Сеул билан алоқаларини юксак кадрлашини таъкидлади.

Ли Мён Бак ушбу учрашув узаро муносабатларнинг бугунги ҳолатини таъкидлаш, истиқболда ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашиш учун қўлай имконият эканлигини қайд этди.

Президентлар хавфсизлик масалаларини муҳокама қилдилар. Халқаро терроризм ва экстремизмга, курол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандасига қарши курашдаги ҳамкорлик, оммавий қирғин куроллари тарқалишининг олдини олиш билан боғлиқ муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди. Ўзбекистон ва Жанубий Корея халқаро сивасат майдонида бири-бирининг ташаббусларини ёқлаб, бири-бирини қўллаб-қувватлаб келади. Хусусан, Ли Мён Бак 2018 йилда бўладиган Қишқи олимпиади ўйинларига мезбонлик қилиш учун Пхёнчхан шаҳри номозидини қўллаб-қувватлагани учун Ўзбекистон томонига миннатдорлик изхор этди.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН



ҚИШ ДАСТУРХОНИДА ЁЗ НЕЪМАТЛАРИ

Паркент туманидаги «Ber-Ad Agro» хусусий корхонаси 1995 йилдан буён мева ва сабзавотларни қайта ишлаб, қуритиб, экспортга чиқариш билан шуғулланади. Америка Қўшма Штатларидан узумини қайта ишловчи линия олиб келиб ўрнатилгач, бу ерда соатига 6 тоннагача узум қайта ишланмиган бўлади.

Ҳозир корхонада 85 нафар маҳаллий аҳоли муқим иш билан таъминланган. Улар йилига 2 минг тонна мева ва сабзавотни қайта ишлашмоқда. Келгусида қувватни 4 минг тоннага етказиш кўтилди. Бунинг учун янги технология олиб келиш мўлжалланган. Натихода маҳсулотлар 5 хилга, ишчилар 150 нафарга кўпаяди. Ҳозир корхона маҳсулотлари Голландия, Туркия, Россия, Германия ва Европанинг бошқа мамлакатларига экспорт қилинапти.

— Маҳсулотларни сифатли қадоқлашга жиддий эътибор берамиз, — дейди корхона раҳбарининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари Бахтиёр Пирматов. — Шу мақсадда лабораторида автоматлаштирилган назорат тизими ўрнатилгач, маҳсулотларга халқаро сифат сертификати берилди.

(Давоми 2-бетда).

СУРАТДА: (чапдан) корхона раҳбарининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари Бахтиёр Пирматов ишчилар Дилором Ражабова ва Гулбахор Умматалиева билан сифат юзасидан фикр алмашмоқда.

14 ФЕВРАЛЬ – ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КҮН

ШОҲ ВА ШОИР ҚАТЪИЯТИ

Буюк бобокалонимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг дунё эътироф этган шоҳ асари – "Бобурнома"нинг хоҳлаган саҳифасини ўқиб, бугун учун бир ажиб хулоса топасиз. Бу самимий ва тиник, аниқ ва пухта, қалб эҳтиросио ақл қудрати бўриб турган ўзбекона жумалар замирида буюк бир шахс, кучли бир тийнат, теран бир нуқтаи назар, қатъий бир сийрат, бугунги тушунчалар билан айтганда, юксак даражада тизимланган миллий мафкура бор.

Бобур лашкару аёнлари билан Ҳиндистонга юриш қилиб, уни эгаллади. Албатта, халқ ўз-ўзидан, шунчаки давлат билан Бобурга эргashi кетаверган эмас. Бобур Мирзо кўзда тутган қатъий мақсад ва очик манфаат шу эдики, кемага кирганининг жони – бир; "Мен ўтқа, сувага кирсам-чиқсам, бетаҳоший (ўзбошимчак қилмасдан) булар била киргайлар ва била чиқгайлар. Мен ҳар сориға бўлсам, алар менинг сори бўлгайлар". Шундагина мақсад бирлигига эришилади. Бунинг акси бўлмаслиги керак. Улар менинг мақсадимга хилоф сўз айтмаслиги, узаро кенгашиб, маслаҳатлашиб, буюринган ҳар иш ва

топшириқни бажаришга киришганда ҳали мажлис тарқамасдан турибқундан қайтиш бўлмасин, дейди Бобур.

...Бизда ҳаммом иссиқхона қилиб қурилади. Ҳиндистон шунчалик иссиқки, ҳаммом салқинлашга мослаб қурилади. Бунинг устига, бобурийлар Кобулдан чиқиб, Оғрани эгаллаган йили хаддан зиёд иссиқ келган эди. Гармсел эсиб, бунга кўникамаган одамларни қаттиқ холдан тойдирди. Улар "Ҳиндистонда турмоққа рози эмас эдилар, балки кетарга юз кўюб эдилар".

Нима қилиш керак?

(Давоми 3-бетда).

ИСТЕЪМОЛ МАҲСУЛОТЛАРИ ЯРМАРКАСИГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва ички истеъмол бозорини улар билан тўлдирish бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида"ги қарорига асосан Тошкент шаҳри ҳамда вилоят аҳолисини озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган ички истеъмол эҳтиёжларини тўлақонли қондириш, истеъмол молларини ишлаб чиқариш салмоғини кўпайтириш вазифалари режалаштирилган.

Бунда вилоятдаги халқ истеъмол озиқ-овқат) ишлаб чиқарувчи корхона маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан улгуржи ва чакана савдо ташкилотлари ўртасида савдо-сотик муносабатларини ривожлантириш ҳисобига худудий корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, аҳолига сифатли маҳсулотларни тўғридан-тўғри етказиш ҳамда асосий турдаги истеъмол маҳсулотларининг бозор нархларини кескин суръатларда ошишига чек қўйиш кўзда тутилган.

Шу муносабат билан 2010 йил 16 февраль кун Тошкент вилояти Ўрта-қирчиқ туманидаги Қумовул қишлоқ фуқаролар йиғини худудда жойлашган вилоят маънавият ва маърифат маркази биносига вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан истеъмол маҳсулотларини (озиқ-овқат ва но-

ошиқ-овқат) ишлаб чиқарувчи корхона савдо ташкилотлари иштирокчида Истеъмол маҳсулотлари ярмаркаси бўлиб ўтди. Худудлараро саноат кооперацияси ва савдо-сотик муносабатларини ривожлантириш учун ушбу ярмаркада Тошкент вилояти ва шаҳрида фаолият кўрсатаётган озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ҳамда чакана ва улгуржи савдо корхоналари ўз маҳсулотлари ва таклифлари билан иштирок этишлари мумкин.

Мақсуд ярмаркада ўз маҳсулотлари билан иштирок этиш истагида бўлган кичик бизнес вакиллари ва хусусий тадбиркорлар учун талаб этиладиган жой майдони бепул ажратилади.

Ярмаркага марҳамат! Мурожаат учун телефонлар: 236-02-82, 263-15-51.

Қарор ва ижро

Вилоят ҳокимлигида "Раҳбар аёллар клуби"нинг ўтган 2009 – Қишлоқ тарққийети ва фаровонлиги йилмада олиб бориغان ишлар ҳисоботи ва келгусидаги режалар, "Баркамол авлод йили" дастури асосида амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

АЁЛ РАҲБАР БЎЛСА...

Унда вилоят, шаҳар ва туманларда ташкил этилган "Раҳбар аёллар клуби" аъзолари иштирок этишди.

Йиғилишни вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева олиб борди.

Саида РАҲМОНОВА.

ҲАР КҮНДАН БИР САБОҚ

Вилоят педагогика коллежида "Ёшлар – келажак пойдевори" мавзусида маърифий кеча ўтказилди. Ташкилотчилар йиғилганларга гиёвандлик билан боғлиқ жиноятлар, бу иллатга қарши кураш борасида амалга оширилайётган ишлар ҳақида гапириб беришди.

Хорижда ишлаб, мўмай даромад орттиришни кўзлаб, алданиб, одам савдоси қурбонига айлиб қолаётган айрим юрtdошларимизнинг ачиқ қисмати барчага, айниқса, катта ҳаёт оstonасида турган ёшларга сабоқ бўлиши лозимлиги таъкидланди. Ҳар бир ёш ўз ҳуқуқ ва бурчларини теранроқ англаши мумкин эканлиги уқдириб ўтилди.

Коллеж ўқувчилари томонидан одам савдоси жиноятининг оқибатлари ифодаланган "Қулликка рози бўлман!" сахна томошаси иштирокчиларда ўзгача таассурот қолдирди.

Қизгин савол-жавоб руҳида ўтган тадбир сўнггида ўқувчиларнинг бир гуруҳига Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспортлари тантанали топширилди.

Хурид РЎЗИЕВ.

2010 йил учун
ОБУНА
ДАВОМ ЭТМОҚДА
ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
газетасининг индекси – 205.

МУРУВВАТ ҲАММАГА ЯРАШАДИ

Илғари хабар қилинганидек, вилоят ҳокимининг фармоишига биноан Қибрай туманида Қизил ярим ой жамиятининг "Хайр-эхсон" лекаласи марафони бўлиб ўтди.

Инсонпарварлик, меҳр-оқибат, бағрикенглик каби фазилатларни ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш, алоҳида эътибор ва ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш мақсадида уюштирилган бу тадбирда вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари вакиллари, ташкилот ва корхона раҳбарлари, тадбиркор ва ишбилармонлар иштирок этиб, барча муҳтожларга мурувват кўрсатишди. Ҳомийларнинг қимматбахш совғалари қалби кентик болажонлар руҳини кўтарди. Жумладан, "Евроэкслюзив" қурилиш ташкилоти, "Истиқлол-Шуқурова Г. Н" фермер хўжалиги, вилоят ўрта-маҳсус, касб-хунар

таълими, халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва ички ишлар, табиатни муҳофаза қилиш бошқармалари қўрсатган саховат марафон катнашчиларига кўтаринки кайфият бағишлади.

— Эзгулик, хайр-саховат миллатимизнинг табиатида хос фазилат, — деди тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Қизил ярим ой жамияти миллий кенгаши раиси Маннон Раҳимов. — Юртбошимиз айтганларидек, меҳр-шафқатни тарғиб қилувчи бу жамиятга ҳар бир Ўзбекистон фуқароси аъзо бўлса ярашади. Бу борада пойтахт вилояти саховатпешаларининг фаолиги олқишга сазовордир.

— Баркамол авлод йили мен учун қувончли воқеалар билан бошланди, — дейди қибрайлик ўқувчи Жондоз Бердиқулов. — Компьютер совға қилишгани яхши бўлди. Энди илм билан шуғулланиш имкониятларим кенгайди. Мурувватли инсонларга раҳмат.

Туман ҳокимлиги ҳамда бир қатор ташкилот ва идоралар сайъ-ҳаракати билан юкори даражада ўтган марафон меҳмонлари танқили хонандалар, ёш санъатсевар ўқувчиларнинг чиқишларини ҳаяжон билан кутиб олдилар.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.



СУРАТЛАРДА: марафон иштирокчиларига совғалар, саховатпеша ҳомийларга эса ташкилотчиларнинг ташаккурномалари топширилмоқда. Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

СПОРТ

Бокс

Москва шаҳридаги "Аквариум" меҳмонхонаси бокс аренасида "Ринг юлдузлари" профессионал бокс кечаси ташкил этилди.

Футбол

Варшавада 2012 йили Польша ва Украина мамлакатларида ўтказилган Европа чемпионати саралаш баҳсларида куръа ташланди.

Дзюдо

Мамлакатимизнинг етакчи дзюдочилари Ришод Собиров ва Дилшод Чориев Францияда бўлиб ўтган "Улкан Тож" туркумига кирувчи халқаро турнирда совринли ўринларни забт этдилар.



— Аскарлик муборак, акажон! А. ЕКБОВ (ЎЗА) сурат-лавҳаси.

МАЪНАВИЯТ

Кўпчилик кундалик ҳаёт ташвишлари ишдан чарчаб, телевизор ёки радиодан ёқимли куй ёки кўшиқ тинглашни ва шу тариха хордик чиқаришни истайди.

тикка бўлиб кетди. Одатда аёллар нафосат, латофат, гўзаллик рамизи ҳисобланади.

хаёлини бузмайди. Бундан ташқари Жўрабекнинг "Чикир-чикир", Азизнинг "Назоратда", Дилмурод Юсуповнинг "Замонавий наво", Динейранинг "Рақсга туш", Жаҳонгир Ризонинг



Ўзингсан жон озиғи, Мени бунча қийнайсан, Чақасан, чақасан тўймайсан,

Ёқасан, ёқасан қийнайсан,

деб куйламоқда. Яна бир ёш "эстрада юлдузи" Умидбек Санаев эса "Кайфингни сур" кўшиғи орқали:

Ҳаётда қолмайман, доим олға юраман, Кўчаларни маза қилиб машинада кезаман,

Мовий кўз, қаро кўз қизларни бир-бир четлаб, Ресторан ва кафедра ўйнаб, кайфим сураман.

Айшингни сур, кайфингни сур,

Ёлгончи ҳаётга бир келадурсан,

деб куйлаб турса, қайси бир ўспирин шайтон васвасасига тушмайди,

"Алло-алло", Азиз Алиевнинг "Фаришта" каби кўшиқ ва клиплари юқоридагилардан фарқ қилмайди.

Айниқса, шу каби кўшиқларда клипга тушган қизларнинг ҳаддан ташқари очик, ярим яланғоч кийинганларига нима дейсиз? Бу ҳам етмагандай айрим-айрим ўзларини кўз-кўз қилиш пайдаи деворни кучоқлаб, ерга ётиб кўшиқ айтишлари кишининг гашини келтиради.

Базиллар бунга фарб маданиятининг тасири, замонавийлик-да, деб оқлаша ҳаракат қилишяпти. Билмадик, бу нечоғлиқ тўри экан?

Давлатимиз раҳбарининг "Юксак маънавият — энгилмас куч" асаридидаги "Айрим ёш ижро-

чи ва ижодий гуруҳларнинг жамоатчилик этиборига тақдим этётган "асар"лари санъатнинг ҳеч қандай талаб ва мезонларига жавоб бермайди. Нафақат мавзу ва мусиқа, ижро усуллари, балки саҳна ҳаракатларида ҳам очикдан-очик ажнабий "оммавий маданият" кўринишларига тақлид қилиш, "юлдузлик" касалига чалиниш ҳолатлари тез-тез учраб тураётгани чинакам санъат муҳлисларини ранжитмасдан қолмайди, албатта.

Тўри бу билан бундай нуқсонлар бугунги ёш эстрада хонандаларининг ҳаммасига тегишли димоқчи эмасмиз. Юртимизда ўз ижоди билан муҳлислар кўнглидан жой топа олган кўпга эл ардоғидаги санъаткорлар ҳам етишиб чикмоқда. Бинобарин, ҳақиқий санъатни санъаткор яратади, унга баҳони эса халқ беради.

НИГОРА БОБОКУЛОВА.

БИЛАСИЗМИ?

КАРИМАЙДИГАН ЭЛАТ

Ҳиндистон ва Покистон оралиғидаги тоғли Хунза қишлоғи аҳолисининг аксарияти тўқсонга кирса ҳам ёшларга хос бардамликни сақлаб қоладилар.

МЕҲР БИЛАН ЙЎҒРИЛГАН АСАРЛАР

Тошкент Фотосуратлар уйида "Ватан меҳри билан йўғрилган ижод" мавзусидаги кўргазма ташкил этилди.

ЛЕКИМ ИБРОХИМОВ, АКМАЛ ИКРОМЖОНОВ...

Акмал Иброҳимов, Акмал Икромжонов сингари мўйқалма соҳиблари билан бирга Ортик Файзуллаев, Акбар Раҳимов, Шарофиддин Юсупов, Алишер Назруллаев, Турсун Али сингари ёғоч ўймакорлиги, кулолчилик, бадийи фотграфия усталарининг ижод намуналари бу фикрни яққол тасдиқлайди.

НЕМИСМИ, ОЛМОНМИ?

"Немис" тушунчаси ва сўзи тарихига бир назар солсак, у бизни беихтиёр славян халқлари тарихи томон етаклайди.

ЧИГИРТКА ЎЗИНИ ЎЗИ ЕЙДИ

Айрим чигирткалар ўзини ўзи ейди. Жисмоний оғриқни сезмаган ҳолда улар тановулни олд оёқларини гажишдан бошлайди.



ЎЛДИ ДЕГАН ЭШМАМАТ

денг, булбул ака! — пойгадан лукма ташлади Жавлон қассоб. — Тракторими, тележкаси, билмадим, — тўнғиллади "булбулиғув", — менга шунақа дейишди.



КУРАГАНГА НИМА ЕТДИ

Уйига ҳар куни ичиб келадиган эр хотинининг аччиқтирсик гапларидан безор бўлиб, яланишга ўтибди: — Хотиниң, сенам дунёга келиб, бир марта яхши гаплардан гапли!

TOHKENT XAKIKATI / ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА. Muassis: Тошкент вилояти ҳокимлиги. Boш муҳаррир: Абдушоҳидов. Manzili: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Telefonlar: 236-55-54. Toshkent viloyati Matbuot va axborot boшqarmasida 03-001 raqami bilan ruyxatga olingan. Gazeta «Toшkent хақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Ёшон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва ёшон берувчилар масъулдир. Navbatчи муҳаррир: Жўра Сабдуллаев. Navbatчи: Нигора Бобоқуллова. Саҳифаловчи: Тоҳир Маҳмудхўжаев. Хафтаниң чоршанба ва шанба кунлари чикади. Буюртма Г-140. Адади 13000. Хажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.